

## Лойиҳа шартномаси

Shartnoman № 47/22



Тошкент ш.

(shartnomal tuzish joyi)

2022 yil 19 dekabr

(shartnomal tuzish sanasi)

SUVLOYIXA MCHJ (bundan buyon - "Bajaruvchi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **TADJIYEV XABIBULLA MUXAMMAD-RIZOYEVICH**, bir tomondan, va "QASHQADARYO VILOYATI SUV OMBORLARIDAN FOYDALANISH BOSHQARM (bundan buyon - "Buyurtmachi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **SHUKUROV MASHRAF ABDURASHIDOVICH**, ikkinchi tomondan, birgalikda "Taraflar", alohida esa "Taraflar" deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

## 1. Товар (хизмат)ларнинг тўлиқ тафсилоти

Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to'laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:

№	Tovar nomi (xizmat)	Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikasiya kodi va nomi	Tovar/xizmat shtrix kodi	O'ichov birligi	Miqdori	Narx	Yetkazish bahosi	QQS		Yetkazish bahosi QQS bilan
								stavka	summa	
1	Pachkamar suv omboridan foydalanish bo'yicha yo'riqnomalar ishlab chiqish va belgilangan tartibda tasdiqlatish	10604004001000000 - Илмий тадқиқот ва ишланмалар хизмати		xizmat (so'm)	1,00	34 260 869,56	0,00	15,0000	5 139 130,43	39 400 000,00

Shartnomaning umumiyy miqdori O'ttiz to'qqiz million to'rt yuz ming so'm 0 tiyin (summa so'zlar bilan).

1.1. "Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси" бундан кейин "Буюртмачи" деб аталувчи Низом асосида иш юритувчи раҳбари М.Шукуров орқали ва бундан бўён Бажарувчи деб аталувчи «Сувлойиҳа» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрадиган директор Х.Таджиев орқали қуидаги шартномани туздилар:

## 2. Шартнома предмети

2.1. Буюртмачи "Pachkamar suv omboridan foydalanan bo'yicha yo'riqnomalar ishlab chiqish va belgilangan tartibda tasdiqlatish" обьекти учун лойиха-қидирув ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиши топширади. Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

## 3. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондадлари

3.1. Ишларни амалга ошириш учун Лойихачи корхоналарни эркин танлов йўли билан аниқлаш комиссиясининг 14 декабрь 2022 йилдаги №207153 сонли баённомаси билан тасдиqlangan шартноманинг умумий қиймати (Кўшимча қиймат солиги билан) 39 400 000 (Ўттиз тўққиз миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил килади. Шундан 2022 йилда 39 400 000 (Ўттиз тўққиз миллион тўрт юз минг) сўм тўлаб берилади.

Шу жумладан:

3.2. Буюртмачи иш бошланишидан олдин Бажарувчининг хисоб ракамига 20 банк куни муддатида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

3.3. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари имзолангандан сўнг қолган 70% маблағни 20 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

## 4. Томонлар мажбуриятлари

4.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

4.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиши, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундан маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

## 5. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириши ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади .

5.2. Буюртмачи ишларни топшириши ва қабул қилиш далолатномасини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ёки ишларни қабул киласлик хажида жавобни юборишини ўз зиммасига олади.

5.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласлигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиши муддатларини кўрсатган холда, иккى томонлама далолатнома тузилади.

5.4. Агар ишларни бажарилиши жараёнда уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бира ни хабардор қилиши ва 15 кун ичди ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

5.6. "Буюртмачи" шартномада курсатилган маблағ утказилишини кечиктиришса хар бир кечиктирилган кун учун шартнома бажарилган қисмининг 0.4 % фоизи миқдорида пеня тўлайди.

5.7. Ноидоравий давлат экспертиза бошқармаси томонидан курсатилган камчиликларнинг "Бажарувчи"га тегишли қисми "Бажарувчи томонидан тўловсиз бартараф этилади.

5.8. Неустойка тулаш томонларни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.9. Ушбу шартнома бўйича низоларни хужалик суди куриб чиқади.

## 6. Кўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи томонидан лойиха-смета хужжатларини таёrlash ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажаримаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 % фоизидан ошмаслиги лозим.

6.2. Бажарувчи Лойихани муддатидан олдин бажарган, холда Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласлини таёrlash ўз вақтида бажарилган ишлар ва хизматлар кўшимча келишув асосида тўланади.

6.3. Шартномада кўзда тутилмаган ишлар ва хизматлар кўшимча келишув асосида тўланади.

6.4. Шартноманинг умумий баҳоси Ўзбекистон Республикасининг қарорлари асосида иш ҳақи, маҳсулотлар, ёқилғи ва хизматларнинг нархи ўзгарган тақдирда

Бажарувчи ва Буюртмачи томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин

6.5. Бажарувчи ишларнинг қиймати ортиши мумкинлиги тўғрисида Буюртмачини олдиндан огоҳлантиради ва Буюртмачининг розилигини олгунга қадар ишларни тўхтатиб туради.

6.6. Узаро мулокат йўли билан ҳал қилинмаган муммоловар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

6.7. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.8. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш хукукига эга.

6.9. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан холларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тадбирда ва хўжалик судларида ҳал қилинади.

6.10. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фойз миқдорида пеня тўланиди, бироқ бунда пенянинг умумий миқдори бажарилган ишлар баҳосининг 20 фойизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.11. Ушбу шартнома ўзбек тилида иккى нусхада тузилди

6.12.Шартнома томонлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажарунча амал қиласди.

## 7. Форс мажор

7.1. Корхона мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини форс-мажор холатлар деб тан олинган, яъни енгиг бўлмас кучдаги холатлар туфайли юз берган қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгар бўлмайди. Умумъетироф этилган холатларга қўшимча раввища тарафлар куйидаги воқеаларни форс-мажор холатлар деб хисоблашга келишиб олдилар: Корхонани курилиш ва таъмирлаш ишлари жараёнини амалга ошириш имкониятини чекловчи ёки ундан маҳрум қилувчи, шунингдек хизматларга хақ тўлашнинг тартиби ва шаклига таъсир қилувчи хукумат ёки давлат идораларининг исталгандан ҳаракатлари. Корхонанинг ўз шартнома мажбуриятларини бузганилиги оқибатидаги жавобгарлиги, шундай жавобгарлик мавжуд бўлган тақдирда, жумладан исталган хато, нуксон, камчилик учун ускунанинг ишламай қолиши, товарининг сифати бузулганлиги ёки ишидаги бузулишлар учун жавобгарлиги ваколатловчи корхона хизматларининг ўртача ойлик иш хақи миқдоридан ошиши мумкин эмас.

## 8. Низоларни ҳал этиш

8.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар уртасида узаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Ҳал этилмаган низолар хўжалик судида куриб чиқилади. Хўжалик судининг карори ҳал этувчи карори хисобланади.

## 9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома "31"декабр 2022 йилгача амал килади.хеч бир тараф иккинчи тарафа олдидা узига боғлик булмаган сабабларга кура ва енгиг булмас куч мавжуд бўлган тақдирда. Ушбу шартнома курсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

## 10. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

### IJROCHI

### BUYURTMACHI

**Nomi:** SUVLOYIXA MCHJ

**Manzili:** Labzak ko`chasi, 1a-uy

**Tel.:** +99871 241 4507

**Faks:**

**STIR:** 201059078

**OKED:** 71120

**H/R:** 20210000000153936001

**Bank:** ТОШКЕНТ Ш., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИННИГ БОШ ОФИСИ

**MFO:** 00446

**Nomi:** "QASHQADARYO VILOYATI SUV OMBORLARIDAN FOYDALANISH BOSHQARM

**Manzili:** Navoiy MFY, Alpomish ko'chasi 1-uy

**Tel.:** 0

**Faks:**

**STIR:** 204674585

**OKED:** 70220

**H/R:** 100021860102207042402170002

**Bank:** КАРШИ Ш., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИННИГ КАРШИ ФИЛИАЛИ

**MFO:** 00192

№2006151039 21.12.2022 10:01:09

**YUBORILGAN**

TADJIYEV XABIBULLA MUXAMMAD-RIZOYEV..

operator: soliqservis.uz

№2005424403 21.12.2022 10:38:23

**TASDIQLANGAN**

ПАРМОНОВ ХАЛИМ РАХМОНОВИЧ